

Куч – адолатда

Адл ила олам юзин обод қил!

2026 йил
23 январь,
жума
№ 3
(1089)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

<http://www.kuch-adolatda.sud.uz>

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТИНЧЛИК КЕНГАШИ НИЗОМИНИ ИМЗОЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев АҚШ Президенти Дональд Трампнинг таклифига биноан 21-22 январь кuni Америка етакчиси ташаббуси билан ташкил этилган Тинчлик кенгаши низомини имзолаш маросимида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Швейцарияда бўлди.

Давлатимиз раҳбари 22 январь кuni Давос шаҳрида Тинчлик кенгаши Низомини имзолаш маросимида иштирок этди.

АҚШ Президенти Дональд Трамп раислигида ўтган тадбирда Аргентина, Арманистон, Бахрайн, Болгария, Индонезия, Йордания, Марокаш, Мўғулистон, Озарбайжон, Парагвай, Покистон, Қатар, Қозоғистон, Саудия Арабистони, Туркия, Венгрия ва бошқа давлатлар раҳбарлари, бош вазирлари ва ташқи ишлар вазирлари ҳам қатнашди.

Тинчлик кенгашининг ташкил этилиши Ўзбекистон ташқи сиёсатининг тинчликни таъминлаш борасидаги ташаббуслари ва кўп қиррали ҳамкорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган устувор вазифаларига мосдир. Янги тузилма БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши резолюцияси билан қўллаб-қувватланган Ҳазо секторидagi можарони тугатиш бўйича комплекс режани амалга ошириш доирасида шакллантирилмоқда.

Тинчлик кенгаши можаронинг кескинлашув хавфини камайтириш, Ҳазо секторидagi иқтисодий ва ижтимоий тикланиш учун қулай шароитлар яратишга қаратилган. Бу фаровон иқтисодиёт ва тинч-осойишта ҳаётга эга Янги Ҳазони барпо этиш, истиқболда Фаластин давлатини тузиш имкониятини вуҷудга келтирмоқда.

Кенгаш таркибидан жаҳоннинг турли мамлакатларидан нуфузли ва таъсирга эга етакчилар ўрин олди.

Кенгаш Низомини имзолаб, Ўзбекистон уни таъсис этган давлатлардан бирига айланди. Бу мамлакатимизнинг кенгаш фаолиятида изчил иштирок этишга ҳамда барча таъсисчи давлатлар ва халқаро шериклар билан яқин ҳамкорликда унинг ваколатларини ҳаётга татбиқ этишда амалий хисса қўшишга тайёрлигини англатади.

Тинчлик кенгаши Низомини имзолаш маросими доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев ва Венгрия Бош вазири Виктор Орбан ўртасида мулоқот бўлиб ўтди.

Етакчилар дўстона руҳда ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Кўп томонлама, шу жумладан, Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги ҳамкорлик истиқболларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Президенти

“Blackrock” компанияси директорлар кенгаши аъзоси ва катта бошқарувчи директори Адебайо Огунлеси билан учрашди.

Ушбу етакчи компания билан инвестициявий ҳамкорликнинг устувор йўналишлари ва илгари эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

“Blackrock” компаниясининг мамлакатимиздаги устувор лойиҳаларда иштирок этиш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

Компаниянинг Ўзбекистондаги бир қатор корхоналар капиталига кириш, қўшма инвестиция механизmlарини ишлаб чиқиш ва мамлакат инвестиция муҳитини яхшилаш учун халқаро экспертизани жалб қилиш бўйича ташаббуслари қўллаб-қувватланди.

Давосдаги тадбирлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Европа тикланиш ва тарақиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо билан учрашув ўтказди.

Мазкур етакчи молия институти билан стратегик шерикликни янада чуқурлаштириш ва ҳамкорликни кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди.

Банкнинг мамлакатимиз билан ҳамкорлиги барқарор стратегик тусга эга. Ўзбекистон ЕТБнинг минтақадаги энг йирик ҳамкори бўлиб қолмоқда. Банкнинг инвестициялари ҳажми қарийб 7 миллиард долларга етди.

2025 йилда амалиётлар, шу жумладан, хусусий секторга йўналтирилган маблағларнинг ҳажми 1 миллиард доллардан ошди.

ЕТБнинг “яшил” энергияни ривожлантириш, транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш, экологик дастурларни амалга ошириш, молия бозорини ислоҳ қилиш ва тадбиркорликни ривожлантиришга қўшаётган хиссаси юқори баҳоланди.

Жорий йил учун ҳамкорликнинг устувор йўналишлари, жумладан, хусусий сектор ва инфратузилмани ривожлантириш, темир йўл транспортини рақамли трансформация қилиш ҳамда бошқа масалалар белгилаб олинди.

Аёллар ва ёшларни замонавий касблар ва бизнесга ўқитиш бўйича дастурларни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Давосдаги тадбирлар доирасида Президент Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқоев, Сербия Президенти Александр Вучич, АҚШ савдо вазири Говард Латник, Буюк Британиянинг собиқ Бош вазири, Глобал ўзгаришлар институти раиси Тони Блер билан ҳам суҳбатлар ўтказди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Швейцарияга амалий ташрифи якунланди.

ЎЗА



ЯНГИ ҚОНУН:

ноқонуний хатти-ҳаракатлар учун жавобгарлик белгилаш орқали давлат манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди

Юртимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг мақсади инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг инсонпарвар демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлатни барпо этишдаги ролини оширишдир.
(Давоми 3-бетда) ►



Зумрад БЕКАТОВА,
Олий Мажлис Сенати
Суд-ҳуқуқ масалалари ва
коррупцияга қарши курашиш
қўмитаси аъзоси

Қонун кўмаги

Тадбиркор йўлидаги тўсиқ

**суд қарори билан
бартараф этилди**



Бугунги кунда юртимизда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда маъмурий судлар алоҳида ўрин тутати. Чунки амалдаги қонунларимизда оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар маъмурий судларда кўриб чиқиши белгилаб қўйилган.


(Давоми 2-бетда) ►

Ҳурматли газетхон!

Биз “Тарих тилсимлари” рукнини давом эттириб, бу гал сизнинг эътиборингизга Ўзбекистон халқ ёзувчиси, жасоратли адиб Ўлмас Умарбековнинг “Қизимга мактублар” асаридан айрим бобларни ҳавола этишни лозим топдик.



Ўлмас УМАРБЕКОВ,
Ўзбекистон
халқ ёзувчиси



Қизимга мактублар

Бу дунёга келганларнинг, албатта, кетмоғи бор. Кимдир бир кун олдин, кимдир бир кун кейин... Кетади-ю, қайтмайди. Мангу дунё абадий уни ўз кучоғига олади.

Кетмоғи яқин қолганини киши сезганда чўчимайди, аммо турли ўйлар қуршовига тушади, кеч-

ган, кечирганларини эслайди, олис, яқин одамлар кўз олдида ўтади.

Мен билан ҳам шундай бўлди. Касалхонада ётарканман, вақтим, иродам етганича, кўнгелим кўтарганича ўйлarga, хотирларга берилиб кетиб, шуларни ёздим.

(Давоми 4-бетда) ►

Қонунчиликдаги янгиликлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш, яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш, мамлакатимизга халқаро онлайн тўлов компанияларини жалб қилиш, фуқаролар ва тадбиркорлар судларга мурожаат қилишида янада қулай шарт-шароитлар яратишга доир бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Парламент фаолияти



Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари самарали ҳимоя қилинади

Депутатлар томонидан дастлаб фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишнинг замона-

вий механизмларини жорий этишга қаратилган қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

(Давоми 2-бетда) ►

Жамиятимиз мақсади

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ КАФОЛАТЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили деб эълон қилинган 2025 йил якунига етди. Ўтган йил Янги Ўзбекистонда инсон

ҳуқуқларини ривожлантириш соҳасида, бир томондан, дастлабки Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси ижроси якунлангани; иккинчи томондан, инсон ҳуқуқлари бўйича навбатдаги Мил-



Акмал САИДОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича
Ўзбекистон Республикаси
Миллий маркази директори,
академик

лий стратегия ишлаб чиқилгани билан алоҳида аҳамият касб этди.

(Давоми 2-бетда) ►

Мамлакатимизда иқтисодий муносабатлар жадал ривожланган ҳозирги даврда фуқаролар ва юридик шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятини юретиши учун кредит ташкилотлари, шу жумладан, банклардан қарз, яъни кредит олиш эҳтиёжи ортиб бормоқда. Айни жараёнда фуқаролар, юридик шахслар ва кредит ташкилотлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларини ҳам такомиллаштириш зарурати юзага келиши табиий ҳолдир.

Шу билан бирга, кейинги пайтларда кредит ташкилотлари, жумладан, банклар ўз хизматлари жозибадорлигини ошириш – фоизлар ставкасини камайтириш, кредитни қайтариш муддатлари бўйича имтиёзлар бериш каби йўналишлардаги фаолиятини ривожлантирмоқда. Бинобарин, банклар, айниқса, хусусий банклар ўртасида рақобат кучайиб бораётгани бежиз эмас.

Шу маънода сўнгги йилларда Фуқа-

Шарҳ

Янги Пленум ҚАРОРИ:

кредит муносабатларини тартибга солишга оид қонунларни тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлашга қаратилган

ролик кодекси, “Гаров тўғрисида”ги, “Ипотека тўғрисида”ги каби бир қатор қонун ҳужжатларига муҳим ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Бундан кўзланган асосий мақсад — фуқаролар банк кредитларидан фойдаланган ҳолда, ўзларининг моддий эҳтиёжларини қондириши, тадбиркорлик субъектларига эса, бизнесни ривожлантириши учун қулайлик яратишдир.

Ўрни келганда яна шуни айтиш жоизки, кредит муносабатларининг ривожланиши билан бирга, айрим ҳолларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъект-



лари томонидан кредит маблағини ўз вақтида қайтармаслик, кредит шартномаси бажарилишининг таъминоти сифатида мулкни гаровга қўйиш ҳақидаги шартномаларни ҳақиқий эмас, деб топиш, уларни бекор қилиш, банклар томонидан эса, ундирув гаров мулкига

қаратилиб, ушбу мулк қонунда белгиланган тартибда реализация қилинмаган тақдирда, уни ўз балансига олиш тўғрисидаги давлат ижрочисининг тақлифига ўз вақтида жавоб бермаслик ҳолатлари ҳам кузатилмоқда.

(Давоми 3-бетда) ►

Парламент фаолияти

Қонунчиликдаги янгиликлар

◄ (Бошланиши 1-бетда)

Қонун лойиҳасида маъмурий суд ишларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш, яъни фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишнинг замонавий, халқаро стандартларга мос механизмларини жорий этиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексларга ҳамда **“Давлат божи тўғрисида”**ги қонунга қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Қонун лойиҳаси билан жорий этилаётган муҳим янгиликлардан бири — “ишончининг ҳуқуқий ҳимояси” принциpidир. Унга кўра, давлат органининг қарори ёки ҳужжатига ишониб, виждонан ҳаракат қилган фуқаро ёки тадбиркорнинг ҳуқуқлари қатъий ҳимоя қилинади. Давлат органи хатоси учун ҳалол фаолият юритган шахс жавобгар бўлмаслиги қонун даражасида мустаҳкамланмоқда.

Шу билан бирга, маъмурий суд ишларини юртишда дастлабки эшитув институти жорий этилмоқда.

СОЛИҚ НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР



Мажлисида рақамли маркировкалаш тизими самарадорлиги оширилиши муносабати билан Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси билан “масофавий солиқ текшируви” тушунчасига аниқлик киритилиб, мазкур текширувни ўтказиш тартибини соддалаштириш, тадбиркорлик субъектлари ўртасида соғлом рақобат муҳитини таъминлаш ҳамда бюджет

Ушбу босқич суд муҳокамасигача далилларни тўплаш, даъво талабларини аниқлаштириш ва тарафларни келиштириш имконини беради. Бу эса, ишларни кўриш муддатларини қисқартириш, ортиқча харажатларни камайтиришга хизмат қилади.

Яна бир муҳим янгилик — давлат органлари мансабдор шахсларининг суд мажлисларида мажбурий иштироки белгиланаётганидир. Асоссиз сабаблар билан судга келмаган мансабдор шахсларга нисбатан суд жарималари қўлланилиши назарда тутилмоқда. Бу давлат органлари масъулиятини ошириш, суд жараёнларида ҳақиқий тортишув ва очиқликни таъминлашга хизмат қилади.

Бундан ташқари судга ҳурматсизлик қилганлик ёки суднинг хусусий ажримларини ижро этмаганлик учун маъмурий жавобгарликка тортиш ваколати бевосита маъмурий судларнинг ўзига берилаётгани суд ҳокимиятининг нуфузи ва таъсирчанлигини янада мустаҳкамлайди.

Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

даромадлари барқарорлигини мустаҳкамлаш назарда тутилган.

Бундан ташқари маркировкалаш қоидаларини бузиш ҳолатлари бўйича масофавий солиқ текширувини солиқ тўловчининг ҳузурига бормасдан, ҳуқуқбузарлик юзасидан икки марта огоҳлантириш берилганидан сўнг ўтказиш, шунингдек, мазкур ҳолат бўйича қарор қабул қилиш жараёнларини тезкор ташкил этиш қонуний асосда белгиланмоқда.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

СУДЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ЯНАДА ЕНГИЛЛАШТИРИЛАДИ

Мажлисида фуқаролар ва тадбиркорлар учун иқтисодий ҳамда маъмурий судларга мурожаат қилишда қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан Жиноят ва Иқтисодий процессуал кодекслари, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс, шунингдек, “Судлар тўғрисида”ги ва “Давлат божи тўғрисида”ги қонунларга бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Жумладан, маъмурий суд ишлари юритишда — ҳуқуқий бузилган шахсларнинг танловига кўра, иқтисодий суд ишлари юритишда эса — тарафларнинг келишуви асосан, экстерриториал судлов механизмининг жорий этиш тақлиф этилмоқда. Бунда ишни кўриб чиқадиған суд автоматлаштирилган ахборот тизими орқали белги-

ланиши кўзда тутилган.

Шунингдек, иқтисодий судлар тузилмасини оптималлаштириш орқали уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш, ягона суд амалиётини шакллантириш мақсад қилинган. Бунинг доирасида туманлараро, туманлар, шаҳар иқтисодий судлари тугатилиб, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида туманлараро иқтисодий судлар фаолияти йўлга қўйилиши белгиланмоқда.

Яна бир муҳим янгилик — агар қарздорга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатилган бўлса ва даъво аризаси шу иш доирасида кўрилиши лозимлиги сабабли кўрмасдан қолдирилса, давлат божи қайтарилиши белгиланмоқда.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинди.

◄ (Бошланиши 1-бетда)

Янги Ўзбекистон:

Президент – инсон ҳуқуқларининг конституциявий кафили

Президентимиз 2025 йил 26 декабрь кунин тақдир этилган Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида **“Ўзбекистон – 2030”** стратегиясини қайта кўриб чиқиш ташаббусини илгари сураётган экан, ушбу амалий тақлифни ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиб бергани жуда муҳим аҳамият касб этди. Стратегиянинг янги таҳрирдаги лойиҳасида, жумладан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача бўлган миллий стратегиясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш вазифаси кўзда тутилмоқда.

Бу ҳақда сўз борганда, Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан 2020 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси айни соҳадаги илк ҳужжат ҳисобланишини таъкидлаш лозим. Миллий стратегияда жами 33 та қонун ҳужжатлари лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилган.

Миллий стратегияни амалга ошириш доирасида 2025 йилда одам савдоси жинояти учун жазони кучайтириш, оила ва аёлларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ушлаб турилган шахсларга нисбатан қийноқларнинг олдини олиш билан боғлиқ бир қатор қонунлар қабул қилинди.

Ўтган йилда, шунингдек, Дин соҳасидаги давлат сиёсати концепцияси тасдиқланди, қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизмнинг қонунчилик асослари яратилди, мажбурий меҳнат ва болалар меҳнати бартараф этилди. Буларнинг барчаси ислохотларни тизимлаштириш ва халқаро мажбуриятларни, БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларини, айниқса, тинчлик, адилат ва самарали институтларга доир 16-мақсадни амалга ошириш йўлида муҳим қадамлар бўлди.

«Ўзбекистон — 2030» стратегияси: инсон ҳуқуқлари, Конституция устуворлиги ва одил судлов

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 9 февралдаги Фармони билан қабул қилинган «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини «Атроф-муҳитни асраш ва «яшил» иқтисодиёт йилида амалга оширишга оид давлат дастури» доирасида бир қатор устувор вазифалар бажарилиди. Бу ўринда давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган:

- “Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техник таъминотини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”;
- “Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлири суд тизимини янги босқичга олиб чиқишга қаратилгани билан алоҳида эътиборга сазоворлигини таъкидлаш лозим.

Президентимиз ташаббуси билан суд соҳасини рақамлаштириш асосида “Рақамли суд” концепцияси ишлаб

чиқилди. У фуқаролар ва тадбиркорларга “контактсиз суд” орқали адолатли ва қулай хизмат кўрсатишни кўзлайди.

Шунингдек, судларнинг иш юкласини камайтириш мақсадида майда қарздорликлар, коммунал тўловлар каби низосиз ишлар нотариуслар ваколатига ўтказилиши режалаштирилган. Бу судлар эътиборини мураккаб низоларни ҳал этишга қаратишга имкон беради. Маъмурий ва иқтисодий ишларда экстерриториал судлов тизими жорий этилиб, фуқароларга истаган ҳудуд судига мурожаат қилиш имкони яратилмоқда.

Судьялар олий кенгаши фаолияти ҳам такомиллаштирилди. Яъни

Жамиятимиз мақсади

■

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари янада мустаҳкамланди

судьяларни мuddатсиз тайинлаш, танлов жараёнига судьялар ҳамжамиятини жалб этиш, холислик ва мустақиллиқни таъминлаш чоралари кучайтирилди.

Кадрлар тайёрлаш соҳасида, Президент фармонида кўра, Судьялар олий мактаби негизида Одил судлов академияси ташкил этилди. Академия “устоз-шогирд” аънанаси асосида таълим бериб, бўлажак судьяларни назария ва амалиёт уйғунлигида тайёрламоқда.

Яна бир муҳим қадам: Президентимиз 18 декабрда **“Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди фаолиятини янада такомиллаштириш ва замонавий рақамли технологияларни жорий этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Фармонни имзолади. Ушбу ҳужжатнинг қабул қилинишидан мақсад мамлакатимизда конституциявий назорат самарадорлигини янги босқичга олиб чиқишдир.

Конституция нормалари тўғридан-тўғри амалга оширилмоқда

Мамлакатимизда 2025 йил давомида болалар, ёшлар, аёллар, ногиронлиги бор шахслар ва аҳолининг бошқа заиф қатламларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилди.

Хусусан, 2025 йил 16 сентябрда “Ногиронлиқни белгилаш тизими рақамлаштирилиши муносабати билан ҳукуматнинг айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ҳукумат қарори қабул қилинди. Унга кўра, эндиликда беморнинг маълумотлари асосида ногиронлик гуруҳи ва мuddати, ўзгалар парвариши, тиббий реабилитация ҳамда протез мосламаси ёки реабилитация воситасига муҳтожлигига оид маълумотлар автоматик равишда инсон омилиси “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимида шакллантирилади.

Янги Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, эҳтиёжманд хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, гендер тенглиқни таъминлаш бораси-

даги ислохотлар тизимли давом эттирилди. Хусусан, 2025 йил 9 апрелда “Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун имзоланди.

Қонун билан Оила кодекси, Уй-жой кодекси, шунингдек, “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Қонунда оилавий (машиий) зўравонликдан жабр кўрганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни янада кучайтириш ҳамда бундай ҳолатлар

такрорланишининг олдини олишга қаратилган нормалар назарда тутилди. Шунингдек, оила ва хотин-қизларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида, 2025 йил 14 мартда Президентимизнинг “Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарор билан 2025 йилда хотин-қизларни қўллаб-қувватлашнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари аниқ белгилаб қўйилди.

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, 2025 йил 13 январда “Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Эндиликда давлат фуқаролик хизматчиларининг меҳнатга оид муносабатларига нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонунчиликнинг амал қилиши “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинмаган қисми бўйича татбиқ этилади.

Ўзбекистон Президентининг 2025 йил 4 августда имзоланган “Меҳнат муносабатлари ва касбга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда иш берувчиларни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони мамлакатда меҳнат муносабатларини самарали, адолатли ва ўзаро манфаатли тарзда ташкил этиш, хусусий сектор иштирокида касбий тайёрлов ва малака оширишни йўлга қўйиш, иш берувчиларни эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда малакали кадрлар билан таъминлаш, инсон ресурсларини бошқариш ва меҳнат муҳофазасини ривожлантиришни назарда тутди.

Кейинги йилларда Янги Ўзбекистонда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини янада кучайтириш, жумладан, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, гайрининсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш ҳолатларига мутлақо йўл қўймаслик мақсадида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Қийноқларнинг олдини олиш бўйича институционал механизмларни такомиллаштириш ишлари 2025 йилда ҳам изчил давом эттирилди. Бу

борадаги муҳим вазифалар ижросини таъминлаш доирасида 2025 йил 26 июнда “Жиноят ишнин юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига қамоққа олинганларга нисбатан қийноққа солиш ҳолларининг олдини олишга қаратилган қўшимча киритиш ҳақида”ги қонун қабул қилинди.

Янги қонун талабига кўра, қамоққа олинганлар тергов ҳибсхонасига жойлаштирилишдан олдин, тергов ҳибсхонасига олиб келинган пайтдан эътиборан 2 соат ичида ҳибсхонанинг ўзида мажбурий тиббий кўрикдан ўтказилади. Бу жараёнда қамоққа олинганнинг розилиги билан унинг адвокати ҳам иштирок этиши мумкин.

Мажбурий тиббий кўрикдан ўтказиш натижалари бўйича белгиланган намунадаги тиббий маълумотнома расмийлаштирилади. Тиббий кўрик чоғида қамоққа олинганнинг танасида жароҳат, шикастланиш ва яралар аниқланганда, улар белгиланган тартибда қайд этилиб, бу ҳақда қамоққа олинганга маълум қилинади ва зудлик билан прокурорга хабар берилади.

Бу, ўз навбатида, мамлакатимизда инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсизлиги кафолатлари янада мустаҳкамланишига, давлатимизнинг инсон ҳуқуқлари таъминланиши бўйича халқаро ҳамжамият олдидаги нуфузи ошишига хизмат қилади.

Инсон ҳуқуқлари таълими – конституциявий ватанпарварликни шакллантириш омили

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастури ва Миллий таълим дастурини амалга ошириш доирасида инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш, таълим жараёнининг барча босқичларида инсон ҳуқуқлари бўйича ўқув курсларини жорий этиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Олий судда 28 февралда уй-жойга бўлган ҳуқуқни таъминлаш соҳасида суд амалиётини такомиллаштириш, шу жумладан, мажбурий кўчириш билан боғлиқ жиҳатларга бағишланган давра суҳбатги гибрид форматда бўлиб ўтди. Миллий марказ томонидан Олий суд билан ҳамкорликда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари Бошқармасининг Марказий Осиё бўйича минтақавий бўлинимаси кўмағида ташкил этилган тадбирда 50 нафардан ортиқ судья, жумладан, Олий суд, туман ва вилоят судлари вакиллари иштирок этди.

Миллий марказ томонидан мамлакатимиз бўйлаб, жумладан, барча вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасида инсон ҳуқуқлари бўйича ўқув семинарлари ташкил этилди.

Хулоса қилиб айтганда, 2025 йилда мамлакатимиз, минтақамиз, бутун сайёраимиз миқёсида тинчликни сақлаш, ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, маънавият ва маърифатни ривожлантириш, экологияни муҳофаза қилиш, шунингдек, илгор инновациялар, замонавий технологиялар ва “яшил” иқтисодиётни чуқур татбиқ этиш орқали барқарор тараққиётни таъминлаш йўлида том маънода бемисл самараларга эришилди. Ушбу натижаларнинг барчаси мукарам зот – инсон қадрини улуғлашга қаратилгани билан нихоятда аҳамиятлидир.

Қонун кўмағи

Тадбиркор

ра-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган “Шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро (Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ичида ҳамда Қорақалпоғистон Респуб-

ликаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлараро) ва халқаро йўналишларни бирктириш бўйича очиқ тендерларни электрон тарзда ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом (2025 йил 7 августгача бўлган таҳрири)нинг 231-бандига кўра, ахборот тизимига жойлаштирилган лотлар бўйича суд органлари томонидан тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, ушбу лотлар жойлаштирилган тендер рўйхатидан вақтинча олиб турилади. Вақтинча олиб турилган лотларнинг очиқ тендер ўтказиш мuddати лотдан олинган мuddатига мутано-

сиб равишда суд қароридан келиб чиққан ҳолда, қайта ахборот тизимига (рўйхатга) белгиланган тартибда киритилади.

Низомнинг 43 ва 44-бандларида эса, “тақлифлардаги маълумотларнинг ҳақиқийлигини ўрганиш вақти ва манзили тендер ёлиби ва ваколатли орган ўртасида олдиндан келишилади ҳамда тендер ёлиби аниқланганидан сўнг ўн кун ичида амалга оширилади. Тақлифлардаги маълумотларнинг ҳақиқийлигини ўрганиш жараёнини очиқ ва шаффоф ташкил этиш мақсадида бошқа ташувчилар кузатувчи сифатида иштирок этиши мумкин. Бунда ўрганиш ўтказиладиган кундан бир иш кунин олдин манфаатдор томонлар ўрганиш вақти ва манзили тўғрисида хабардор қилинади.

◄(Бошланиши 1-бетда)

Низоларни ҳакамлик суд-ларида ҳал қилиш механиз-ми жорий этилгани фуқа-ролар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қо-нуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъ-минлашда, ишбилармонлик муҳитини яхшилашда ҳамда мамлакатимизнинг инвести-циявий жозибадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу билан бирга, таҳлил-лар ҳакамлик судлари фао-лиятини ташкил қилишнинг қонуний асосларини ва улар томонидан қонунчилик-ка риоя этилиши устидан назорат механизмларини такомиллаштириш, ҳакам-лик судларига қўйиладиган талабларни аниқлаштириш, ҳакамлик судлари фаолиятини ҳамда ҳакамлик муҳо-камасини халқаро стан-дартларга мослаштириш зарурияти мавжудлигини кўрсатди.

Ҳуқуқни қўллаш амалиёти-да, ижтимоий ҳаётда турли субъектларнинг манфаатла-ри тўқнашуви, улар ўртасида баҳс-мунозара ва низолар келиб чиқиши табиий. Низо-ларни ҳал этиш тизими ула-рни суд орқали ва муқобил усуллар билан ҳал қилишни ўз ичига олади.

Сўнгги йилларда низолар-ни муқобил усуллар орқали ҳал этишга катта эътибор бе-рилиб, ҳакамлик судларида

лардан келиб чикувчи ни-золарни, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи ҳўжалик низоларини ҳал этувчи нодавлат органдир. Ҳакамлик судлари маъ-мурий, оилавий ва меҳнат-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чикувчи низоларни,

■■■ Моҳият

ЯНГИ ҚОНУН: НОҚОНУНИЙ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАШ ОРҚАЛИ ДАВЛАТ МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯ ҚИЛИНИШINI ТАЪМИНЛАЙДИ



шунингдек, қонунда назарда тутилган бошқа низоларни ҳал этмайди.

Ҳакамлик судлари томо-нидан ҳакамлик битими та-рафи сифатида давлат хо-кимияти ва бошқарув органи бўлган ишлар бўйича чиқа-рилган ҳал қилув қарорла-рини тўғридан-тўғри ижрога қаратиш ҳолатлари кузатил-моқда.

Масалан, Сурхондарё ви-лоятида фаолият кўрсатаёт-ган ҳакамлик судлари 2021-2023 йилларда қабул қилган 47 та ҳал қилув қарори вако-латли суднинг ижро варақа-ларини бериш бўйича ажрим-лари бўлмаса-да, ғазначилик

бюджетидан 222,2 миллиард сўм маблағларни ундириш ҳақида 870 та ноқонуний қа-рор чиқарилган.

Шунингдек, ҳакамлик суди судьяларининг билим ва кў-никмаларини оширишга қа-ратилган малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимининг мавжуд эмаслиги низоларни

Давлат харидлари тўғри-сидаги қонунчилик талаб-ларини бузган мансабдор шахсларнинг 11 нафари маъ-мурий жавобгарликка тор-тилган бўлса, 26 нафарига нисбатан жиноят иши кўзга-тилган.

Шу билан бирга, қонунчи-ликда давлат органларига ҳа-

кўриб чиқиш ва ҳал этишда профессионал ва қонуний ёндашув таъминланмаслиги-га сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистонда 287 та ҳакамлик суди рўйхатдан ўт-ган бўлиб, уларда 1 500 на-фардан ортиқ ҳакамлик су-дьяси фаолият юритмоқда.

Мазкур ҳакамлик суди судьяларининг аксарият қис-ми турли соҳада асосий иш фаолиятини юритиб келаёт-ганлиги боис, уларда ҳакам-лик суди тўғрисида етарлича билим ва кўникмалар мав-жуд эмас.

Бундан ташқари давлат органларининг мансабдор шахслари давлат харидлари

“Олий Мажлис Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан маъқулланган “Ҳакамлик судлари фаолияти янада такомиллаштирилиши ҳамда бюджет интизоми кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси-нинг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғри-сида”ги қонун ана шундай муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади.

кўриб чиқиш амалиёти йўлга қўйилди.

Бу борада “**Ҳакамлик суд-лари тўғрисида**”ги қонун ни-золарни муқобил ҳал этиш усулларидан бири сифати-да ҳакамлик судини таш-кил қилиш ва фаолиятининг ҳуқуқий асосларини қонун даражасида мустаҳкамлади.

Ҳакамлик суди – фуқа-ролик-ҳуқуқий муносабат-

ва молия органлари томо-нидан тўғридан-тўғри ижро этилган.

Ҳакамлик судларини таш-кил этишдаги таъсирчан та-лаблар мавжуд эмаслиги на-тижасида ҳакамлик судлари ўз ваколатига қирмайдиган низолар бўйича ноқонуний қарорлар қабул қилмоқда. Ушбу судлар томонидан 2019–2023 йилларда давлат

тўғрисидаги қонунчилик та-лабларини четлаб ўтиб, ҳа-камлик судлари воситасида ноқонуний равишда давлат бюджетидан маблағ ундир-моқда.

Ноқонуний шартномалар бўйича 2019-2023 йилларда 3 309 та ҳолатда ҳакамлик суди қарори чиқарилиб, дав-лат бюджетидан 215,3 мил-лиард сўм ундирилган.

■ **Жиноятга жазо муқаррар**

Хаётда ҳалол меҳнат, тўғри сўзлик нафақат одамнинг шаънини улўғлайди, балки кўнгал хотиржамлиги, тинчлик ва осой-ишталигини ҳам таъминлайди. Бу-нинг акси бўлган ҳалол меҳнатдан бўйин товлаб, нопок йўлга қадам босиш эса, охир-оқибат аянчли якун топади. Масалан, 1995 йили **Хива шаҳрида туғилган Олим Соли-ев (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳам ризқ-насибасини нопок ва нохо-лис манзиллардан излади.**

■ **Жиноятга жазо муқаррар**
Фирибгарнинг қилмиши қонуний жазо билан ҳақланган яқун tongu

Ҳаммаси 2024 йил апрель ойида хивалик Нигора Эрнiёзова билан “Телеграм” ижтимоий тармоғи орқа-ли танишишдан бошланди. О.Солиев Нигора билан дастлабки суҳбатдаёқ бозорда сотувчи бўлиб ишлашини айтди. Орадан кўп ўтмай эса, ўз шах-

сига доир бир нечта ҳужжатларни унга кўрсатди. Улар орасида О.Соли-ев 2021-2022 йилларда Хива туман ички ишлар бўлими тегишли бўйи-нида ишлаган пайтлари милиция ходи-ми либосида тасвирга олинган бир нечта сурати ҳам бор эди. Н.Эрниё-

зова буни кўриб, янги таниши аной-илардан эмаслиги, унинг кўмагида баъзи хуфя “юмушлар”ни амалга ошириш мумкинлигини кўнглидан ўт-казди.

(Давоми 4-бетда) ►

йўлидаги тўсиқ

суд қарори билан бартараф этилди



Ваколатли органнинг масъул ходими ҳақиқийли-гини ўрганишдан олдин тен-дернинг барча иштирокчилари билан аффилиланганлик хусусиятига эга алоқалари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотни ахборот тизими-га киритиши керак, дея қайд этилган.

Бундан кўринадики, Транс-порт вазирлиги ва Фарғона

вилояти транспорт бошқар-маси 2025 йил 20 апрель куни ўтказилган тендер танловидаги таклифлар-нинг ҳақиқийлигини ўрга-ниш юзасидан зиммасида-ги масъулиятли вазифага лоқайдлик билан қараган.

Энг муҳими, “Zero trans ideal” масъулияти чекланган жамият тендер ғолиб деб то-пилгач, вақтинчалик тўхта-

тиб туриш ва тендерни бекор қилиш юзасидан ваколатли орган ёки суднинг қарори қа-бул қилинмаган.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс-нинг 72-моддасида маъму-рий суднинг илгари қўрилган иш бўйича қонуний кучга кир-ган ҳал қилув қарори билан аниқланган ҳолатлар суд шу шахслар иштирок этаётган бошқа ишни кўраётганида янгидан исбот қилинмайди деб белгиланган. Шунингдек, кодекснинг 189-моддасига мувофиқ, суд устидан ши-коят қилинаётган қарор ёки унинг айрим қисмлари ёхуд қаракатлар (қаракатсизлик) қонунчиликка зид эканлигини ҳамда аризачининг ҳуқуқла-ри ва қонун билан қўриқла-надиган манфаатларини бузаётганлигини аниқласа, қарорни ёки унинг айрим қисмларини ҳақиқий эмас ёхуд қаракатларни (қаракат-сизликни) қонунга хилоф деб топиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилади.

Суд юқорида қайд этилган қонуний асосларга таяниб, “Zero trans ideal” масъулияти чекланган жамият раҳбарининг аризасини қаноатлан-тириб, Транспорт вазирли-ги ҳамда Фарғона вилояти транспорт бошқармасининг тендерни фаол ҳолатда ўт-казмаслик, ўз фаолияти-ни тикламаслик ва тендер таклифларини ўрганишни тўхтатиб қўйишда ифода-ланган хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топди. Шунингдек, жавобгарлар зиммасига “Қўқон-Янгибо-зор-Собиржон” йўналиши бўйича ўтказилган тендерни “Tender.Uztrans.uz” электрон базада фаол ҳолатга ўтка-зиб, тиклаш чорасини кўриш орқали қонунга мувофиқ ҳа-ракатларини амалга ошириш мажбуриятини юклади.

Ўз навбатида, Транспорт вазирлиги суд қароридан но-рози бўлиб, апелляция шико-яти билан мурожаат қилди.

Фарғона вилояти маъмурий суди Маъмурий суд ишла-рини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 217-моддасига

си иштирокчиларига тегишли мажбурият юклаш ва буни бузганлик учун жиноий жа-вобгарликни назарда тутув-чи ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Хусусан:

- ҳакамлик судини таш-кил этиш ҳамда судьялик вазифасини бажариш учун қўшимча талабларни белги-лаш;

- ҳакамлик судьяларининг билим ва кўникмаларини ошириш тартибини кенгайти-риш;

- давлат органлари, таш-килотлари ва муассасалари ҳамда давлат иштирокида-ги корхоналар, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томо-нидан ҳакамлик битимлари-ни тузилганлик учун маъму-рий жавобгарлик қўллаш;

- Бюджет кодексида ғазна-чиликда рўйхатдан ўтказил-ча тақиқ белгиланмаганлиги натижасида ушбу органлар томонидан ҳакамлик судла-рининг ноқонуний қарорла-ри ижро варақасисиз тўғри-дан-тўғри ижро этилмоқда.

Ҳакамлик судларининг ноқонуний қарорлари бўйи-ча ижро варакалари бўл-масе-да, бюджетдан 582 та ҳолатда 156,3 миллиард сўм асоссиз тўловлар амалга оширилган.

Олий Мажлис Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси-да сенаторлар томонидан маъқулланган “**Ҳакамлик судлари фаолияти яна-да такомиллаштирилиши ҳамда бюджет интизоми кучайтирилиши муносаба-ти билан Ўзбекистон Рес-публикасининг айрим қо-нун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**”ги қонун ана шун-дай муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади.

Янги қонун билан Маъ-мурий жавобгарлик тўғри-сидаги, Бюджет, Фуқаролик процессуал, Иқтисодий про-цессуал кодексларга ҳамда “Ҳакамлик судлари тўғриси-да”ги ва “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунларга суд маълумотларини ошкор қил-маслик бўйича суд муҳокама-

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши:

- ҳакамлик судлари фао-лиятининг янада яхшилана-шига, давлат бюджетидан ноқонуний чиқимларнинг олди олинишига;

- ҳакамлик судлари томо-нидан адолатли қарорлар қабул қилинишига;

- ноқонуний хатти-ҳаракат-лар учун жавобгарлик белги-лаш орқали давлат манфа-атлари ҳимоя қилинишига хизмат қилади.

■■■ Шарҳ

ЯНГИ ПЛЕНУМ ҚАРОРИ:

кредит муносабатларини тартибга солишга оид қонунларни тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлашга қаратилган

◄(Бошланиши 1-бетда)

Табиийки, бундай низолар-ни ўз вақтида ва қонуний ҳал этиш учун амалдаги қонун ҳуж-жатларини тўғри ва бир хилда қўллаш, суд амалиётини бир-хиллаштириш талаб этилади.

Олий суд Пленумининг 2025 йил 24 ноябрдаги йиғилиши-да Олий суд ва Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги “**Кредит шартно-маларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилиши-ни таъминлаш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатла-рини қўллашнинг айрим ма-сасалари ҳақида**”ги қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар ки-ритиш масаласи кўриб чиқил-ди ва тегишли қарор қабул қи-линди.

Маълумки, 2025 йил 22 ап-релдаги қонун асосида Фуқа-ролик кодекси янги 746¹-модда билан тўлдирилди. Унга кўра, кредитни муддатидан олдин суд тартибда ундиришда, агар шартномада бошқача тар-тиб назарда тутилган бўлма-са, кредитор дастлаб қарзнинг белгиланган муддатда қайта-рилмаган қисмини ундириш учун судга мурожаат қилади. Бунда агар қарз олувчи мудда-ти ўтган қарзни тўлиқ тўлама-ган тақдирда, кредитор кредит-нинг қолган барча суммасини муддатидан олдин қайтариш ҳақидаги талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Фуқаролик кодексига ки-ритилган ушбу ўзгартиш суд амалиётида турлича талқин қилинишининг олдини олиш мақсадида, Пленум қарорининг 4-банди қўшимча тушунтириш-лар билан тўлдирилди. Унда, жумладан:

• судлар кредитнинг қолган қисмини муддатидан олдин қайтариш ҳақидаги даъво-ларни кўришда – шартнома шартларини ўрганишлари ва шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кредитор дастлаб қарзнинг белгиланган муддатда қайта-рилмаган қисмини ундириш учун судга мурожаат қилган ёки қилмаганлигига аниқлик кири-тишлари;

• агар кредитор олдин қарз-нинг белгиланган муддатда қайтарилмаган қисмини унди-риш учун судга мурожаат қил-маганлиги аниқланса, судлар дастлаб фақатгина кредит қарз-ининг белгиланган муддатда қайтарилмаган қисмини унди-риш масаласини муҳокама қи-лиши;

• даъвонинг муддати келма-ган қарздорлиқни ундиришга оид қисмини эса, қаноатланти-ришни рад этиши;

• қарз олувчи муддати ўтган қарзни тўлиқ тўламаганлиги асоси билан кредитор кредит-нинг қолган барча суммасини муддатидан олдин қайтариш ҳақидаги талаб билан судга мурожаат қилганда, даъво ари-засига Мажбурий ижро бюро-сининг қарз олувчи томонидан муддати ўтган қарзни ундириш судининг ҳал қилув қарорини ўзгартириш қолдириди. Шу тариқа тадбиркор йўлидаги ғов суд қарори асосида бар-тараф этилди.

Таъкидлаш лозимки, бу-гунги кунда тадбиркорлар-нинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, уларни ҳимоя қи-лиш Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан судлар олдига қўйилаётган энг дол-зарб вазифалардан биридир. Зеро, ушбу соҳа вакиллари Янги Ўзбекистонда кечаётган кенг кўламли ислохотлар-нинг асосий иштирокчилари ва ижрочиларидир.

Нозима ТОЖИЕВА,
Фарғона туманлараро маъмурий суди судьяси

Шунингдек, Пленум қаро-рининг 21-бандида берилган қуйидаги тушунтириш ҳам суд-лар учун муҳим ҳисобланади. Яъни Фуқаролик кодексининг 285-моддаси тўртинчи қисми ва “Гаров тўғрисида”ги қонуннинг 47-моддаси тўртинчи қисми-га кўра, гаров нарчаси бўлган мол-мулк гаровга қўювчидан жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузар-лик содир этганлик учун қонун-да белгиланган тартибда олиб қўйилганда, гаровга олувчида ўз талабларини ушбу мол-мулк ҳисобидан устувор тарзда қа-ноатлантириш ҳуқуқи сақлаб қолинади.

Гаровдаги мулкнинг бундай асосларга кўра, олиб қўйили-ши кредитни муддатидан ол-дин қайтариш ҳақида талаб қўйишга асос бўлади.

“**Суд ҳужжатлари ва бош-қа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида**”ги қо-нуннинг 54-моддаси тўртин-чи қисмига мувофиқ, гаровга қўйилган мол-мулк билан таъ-минланган мажбуриятларни ижро этишда ундирув ушбу мол-мулкка қаратилган тақ-дирда, гаровга қўйилган мол-мулк суд томонидан мажбурий тарзда баҳолашдан ўтказила-ди. Ушбу қимомди савдоси-даги бошлангич реализация қилиш нархи суд қарори билан баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот-да аниқланган миқдорда белги-ланади.

Айни норма ҳам 2025 йил 22 апрелдаги қонун билан ки-ритилган бўлиб, суд амалиёти-да турлича талқинларга сабаб бўлаётган эди. Аниқроғи, ай-риملар қонуннинг ушбу норма-си ундирувни гаровга қаратиш тўғрисидаги, хусусан, қонун қа-бул қилинишидан олдин қабул қилинган, қонуний кучда бўл-ган барча суд ҳужжатларига, шу жумладан, Мажбурий ижро бюросидаги суд ҳужжатларига нисбатан ҳам қўлланилиши, яъни ушбу суд ҳужжатларида кўрсатилган гаров мулклари ҳам суд томонидан мажбурий тарзда баҳолашни лозим, дея фикр билдирди.

Бошқалар эса, ушбу норма фақатгина қонун кучга киргани-дан кейин тақдим қилинадиган даъволар бўйича қўлланила-ди, деган тўхтамга келди. Шу билан бирга, агар гаров мулки-нинг баҳоси бўйича тарафлар ўртасида низо мавжуд бўлма-са, уни баҳолатиш фақатгина ортиқча вақт сарфланиши ва харажатга олиб келиши ҳақида ҳам фикр билдирилди.

Шунинг учун Пленум қарори агар қарздорлиқни ундириш гаров билан таъминланган талабла-рини қаноатлантириш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қў-шимчалар киритилгунмига қадар чиқарилган суд қарори устидан шикоят қилинмаган ва у белги-ланган тартибда қонуний кучга кирган бўлса, мажбурий ижро ҳаракатлари қонун ҳўжатла-рига мувофиқ амалга ошири-лиши ва гаровдаги мол-мулк тижорат банки ва қарз олувчи ўртасида тузилган гаров (ипо-тека) тўғрисидаги шартномада кўрсатилган нарх бўйича ре-ализация қилиниши, қарздор-лиқни ундириш ва ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш тўғрисидаги ишларни кўриш пайтида гаровга қўйил-ган мол-мулкнинг бошлангич баҳоси юзасидан низо бўл-ганда, у ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномасига кўра, суд томонидан мажбурий тарзда баҳолашни ҳақида ту-шунтириш билан тўлдирилди.

Мухтасар айтганда, Пленум қарорига киритилган шу каби тушунтиришлар судлар, мута-садди ташкилотлар, банклар ҳамда тадбиркорлик субъект-лари учун муҳим ҳисобланади ва кўпала тушунмовчиликлар-нинг олдини олади, деб ҳисо-блаймиз. Бинобарин, бу билан айни соҳада бир хил суд ама-лиёти таъминланишига эриши-лади.

Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,
Олий суд суъёяси

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-йў.
Телефони: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонтоғ
мас. 6-йў, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru

Нашр илдари: якка тартибда - 574, тақшилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-115 Қўғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 6541
1 2 3 4 5 6 Тошпириш вақти: 21:30. Тошпирилди: 22:40.

Жамол ЖУМАНИЁЗОВ,
жиноят ишлари бўйича
Хива шаҳар суди раиси